

27
41-29

Асқар НИГМАТОВ

**ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ
ВА
ГЕОЭКОЛОГИЯ НАЗАРИСИ**

64
№ 29

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAHSUS TAYLIM VA ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг
маलाкасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
институтини

НИГМАТОВ
Асқар Нигматуллаевич

ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ
ВА
ГЕОЭКОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ

МОНОГРАФИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAHSUS TAYLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ – 2018
«НАВР'УЗ» нашриёти

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAHSUS TAYLIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

7590

КВК 64.12(У)

Н 29

УДК: 168.21.07

Аскар Низаматов. Табний география ва геоэкология назарияси.
-Т.: «Наврўз» нашриёти, 2018. - 220 б.

Марказий Осиёда илк бор умумгеография, жумладан Табний география ва Геоэкологиянинг фундаментал назарий асосларига доир муаммолар ва уларнинг ечимига оид қарашлар монографик тарзда таҳлил қилинган. Унда Табний географик қарашларнинг пайдо бўлиши, ринкожланиши, хозирги ҳолати ва келажак истиқболлари ўзига хос равишда ёритилган. Географик илмда, хусусан Табний географик фанларни тизимлаш зарурати ва уларнинг таълуқчилиги тизими яратилди. Табний географик фанларни тизимлаш орқали географиянинг объекти – географик қобик чегарасига аниқликлар киритилди, замонавий географик ва геоэкологик фанларнинг мазмуни ва моҳияти очиб берилди. Табний географик районлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Географик, жумладан, Табний географик фан ва тавлим-тарбия истиқболларида оид фикрлар берилди. Геоэкологиянинг мустақил фан, тавлим, тарбия ва амалиёт сифатида шаклланишининг илмий-назарий асосларига аниқликлар киритилди.

Тадқиқот объекти фанлар бўлгани учун ҳам монография магнида улар бош харфларда берилди.

Монография Умумий Ер билими, География, Геоэкология, Экология ва Атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида фаолнинг нуритатеттан фан, тавлим ва амалиёт ходимлари, педагоглар, докторантлар, магистрлар, талабалар ҳамда мустақил тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: география фанлари доктори, профессор
Н.И.Савинова.

Тақризчишлар: география фанлари доктори, профессор
С.Б. Аббасов;

география фанлари доктори, профессор *Б.А.Бақириндинов.*

Монография Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малякасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтига Илмий кенгашида кўриб чиқилди ва 2018 йилнинг 1-сонли баённомасининг қарори билан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-381-48-3

© А.Н. Низаматов, 2018
© «Наврўз» нашриёти, 2018

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
Киритиш	5
1 қисм. ТАБНИЙ ГЕОГРАФИЯ НАЗАРИЯСИ	
1-боб. География тарихи ва хозирги ҳолати	
1.1. Мавқоимнинг ўрнини белгилаш даражаси ва тадқиқот максалди	8
1.2. Умумгеографик муаммолар	10
1.3. Табний география муаммолари	36
1.4. Географик, жумладан Табний географик қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	43
2-қисм. Табний географик фанлар назариясининг асосий муаммолари	
2.1. Фанларни тизимлаш зарурати ва уни Табний географиядаги ўрни	60
2.2. Табний географик фанлар тизими	68
2.3. География ва Табний географик фанлар объекти	87
2.4. Табний географик районлаштириш масалалари	97
3-қисм. Табний географик фанлар методологияси ва истиқболлари	
3.1. Табний географик тадқиқотлар методологияси	106
3.2. Табний географик фан, тавлим ва тарбиянинг келажак истиқболлари	116
3.3. Табний географик фан, тавлим ва тарбиянинг келажак истиқболлари	139
II қисм. ГЕОЭКОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ	
4-боб. Геоэкологиянинг назарий асослари	
4.1. Геоэкология – географик экология эканлиги ва тушунчаси	143
4.2. Геоэкологиянинг максалди, вазифалари, объекти ва предмети	147
4.3. Геоэкологиянинг ўзига хос хусусиятлари, принциплари ва методлари	152
4.4. Нарқарор ривожланишининг геоэкологик жиҳатлари	159
5-боб. Амалий геоэкология	
5.1. Амалий геоэкология тушунчаси, максалди, вазифалари ва принциплари	165
5.2. Геоэкологик бошқарув	174
5.3. Геоэкологик баҳолаш зарурати ва картографик методи	177
5.4. Геоэкологик кадастр	185
5.5. Геоэкологик назорат ва мониторинг	187
5.6. Геоэкологик экспертиза, аудит ва консалтинг	195
II қисмда ҳулоса	199
Қўшилган рўйхати	201



Хар нечук илмдан эпигтанг бир сўз,
Уни тинмай ўрган кечано кундуз,
Илмдан бир шўъла дилга тушган он,
Шунда билурсан, илм бенаён.

Абдулқосим Фирдавсий

СЎЗ БОШИ

Хурматли ҳамкасблар агарда XX асрда чоп этилган географик адабиётларга ёки илмий асарларга бир синчковлик билан эътибор бериб қарасангиз ўзбек олимларининг фақатгина маҳаллий, миллий, жуда нари борганда Марказий Осиё ҳудуди доирасида регионда талқиқотлар билан шуғулланганлиги, фундаментал назарий талқиқотлар эса Собик Иттифоқнинг Марказий илмий ҳамда тавлим муассасалари талқиқотчилирига тегишли эканлигига иқдор бўласиз.

Мазкур монографик асар айнан ўзбек олимлари учун «ваакум» бўлиб қолган География, хусусан Табиий география ва Геоэкологиянинг фундаментал назарий асосларига бағишланади. Албатта, унда мунозарали масалалар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ажаб эмас ушбу мунозарали масалалар географ, эколог, тўпрокшунос, геолог каби фан соҳаларида ечимини кутаётган муаммоларга аниқлик киритиб бера. Биргина «географик қобик», «умумгеографик районлаштириш», «Геоэкология – географик ёки геологик экологиями?» каби жумбоқли масалалар барча географларни қизиқтирса керак. Бундай муаммолар Иқтисодий география, Иқтимоий география, Гидрология, Демография, Иқлимшунослик ва Метеорология каби фанларда ҳам бор. Бунинг биз ушбу географик фанларда фаоллаш норитаётган олимларнинг ихтиёрига ташлаган ҳолда, лекин айрим вазиятларда умумгеографик масалаларга тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Хурматли ҳамкасблар ушбу монографик асарни синчиқлаб ўқиган тарзда Сизларда ҳам айрим фундаментал масалаларга нисбатан инновацион фикрлар келиб қолишига ишонаман. Бундан чўчиш керак эмас ва олға қараб юриш орқали География фани, тавлими ва амалиётини дунё бўйича, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтимоий нуфузининг ошишига олиб келса ажаб эмас. Бунинг учун бир-биримизни тинглашимиз, тушунишимиз ва ягона мақсад сари интилишимиз талаб этилади.

Асқар Низомов

КИРИШ

Дунё сиёсий картасида кейинги 30-35 йил давомида юзага келган ўзгаришлар ўз навбатида фан, тавлим-тарбия ва амалиётни ҳам ўзгаришига олиб келди. У айниқса Евросиё минтақасида ёрқин намоя бўлди. Чунки 20 дан ортик мустақил давлатларнинг вужудга келиши ва уларнинг ўз ривожланиш йўлини танлаб олиши янги тиндлаш иқтимоий муносабатларнинг тартибга солиш имкониятини яратди. 1991 йилдан бун Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамияти томонидан халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида тан олинishi бизда ҳам илмий дунёқарашларни қийтадан кўриб чиқиш имкониятини яратди.

Мазкур ҳолат шўролар даврининг амалдаги иқтимоий ҳаёт, режими иқтисодиёт, илмлаги капитализм ва социализм тафовутларига тинган концепциялар, марксизм-ленинизм ғоясига асосланган методологик ёндашув ўрнига бозор муносабатларини шакллантириш, кукуки-демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятини ўрнатиш, турли мулк шаклларида асосланган бошқаруви йўлга қўйиш каби тинийиларга таянган илм, тавлим ва амалиёт ҳаётий кучга эга бўлди. Бундай ижобий жараёнлардан географик ва экологик фанлар ҳам чегда тургани йўқ. Шўролар даврида ёзилмаган, лекин собик Иттифок географиясида умумэтироф этилган «иттифок таксимоти», қондаси, яъни фундаментаг географик ва геоэкологик талқиқотлар, глобал ва инновацион тавлим-тарбия, халқаро амалий алоқа таърибаси фақат Россиянинг марказий шаҳарларидати илмий-ўқув муассасаларининг функциянал вазифасига киритилган. Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон олимларида География ва Геоэкология назариясига оид чуқур фундаментаг талқиқотларни олиб боришга йўл берилмаган.

Агарда биз ўзбек миллий географик ва экологик мактаблар филологияни ўрганиб чиқалган бўлсак (ЎзМУ илмий мактаблари, 2008), уларда глобал ёки иттифок микёсида ягона назарий асос, таянч тавлим ва амалиёт сифатида эътироф этилган фундаментаг талқиқотларни тола олмаёмиз. Ўзбекистонлик олимлар республика, жуда нари борганда ўрта Осиё ҳудудида доир минтақавий ишлар билан чекланиб қолганларини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзр Фанлар Академияси фаоллари билан учрашувида «Табиий фанлар соҳасида... илмий ишларни танқидий кўз билан қараб чиқиш зарур. Биринчи

набатда фундаментал, назарий тадқиқотлар-изланишларни кўллаб-куватлаш ... керак»¹, деб бежиз айтмаган.

Ҳозирги кунда География уч қисмга – табиий, иқтимоий-иқтисодий географик ва геоэкологик фанларга бўлиб тадқиқ қилиш, унга доир таълим-тарбияни бериш ва олинган натижаларни амалиётга жорий этиш одат тусига кириб қолди. Шунинг учун ҳам мазкур асарда биз ўз тадқиқотларимизни умумгеографик, табиий географик ва геоэкологик фанларнинг асосий назарий муаммоларига қаратганимиз. Зеро, табиий географик концепциялар XIX асрнинг ўрталаридан, геоэкологик тадқиқотлар эса XX асрнинг охиридан буюн янги ерларни очиб ёки уларнинг табиатини тасвирлаб бериш доирасидан чиқиб, янги мақсад ва вазифаларни, методологик ва методик ёндашувларни хал қилишга қаратилгандир. Лекин уларнинг фундаментал назарий асослари қандай, деган ўринли саволга географик адабиётлардан ёки тадқиқотлардан доимо ҳам жавоб топиш қийин.

Матълумки, назария кўпроқ универсаллик, амалиёт эса регионаллик хусусиятга эга. Аммо бунда ҳам қатъий четларни ўтказиш мушкул. Чунки агроф табиий мухитнинг кескин даражада ёмғиришуви табиий географик назария ва амалиётни экологизлашувига, антропоген босимни табиатга нисбатан кучайиши эса уни гуманитарлашувига олиб келаётгани исбот талаб этмайди. Аксиомадир (Н.Ф.Реймерс, 1992; Т.Јордан, Л.Ровипте, 1998). Шунинг учун бўйса керак, табиий географик ва геоэкологик назария, таълим ва амалиёт ҳам реал воқелик ўзгарган сари тақомиллашуви талаб этади. Мазкур монографияни баён этишда муаллиф воқеликни айнан шу тарзда талқин қилган ва тегишли хулосалар чиқарган. Бундай илмий-назарий имконият бевосита Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги туфайли Географияга, хусусан, табиий географик ва геоэкологик фанларга ҳам кириб келди.

Ягона фанлар тизимини ифодаловчи ҳозирги замон Географияси қадимий тасвирий Географиядан тубдан фарқ қилиб, туризм-тузман табиий, иқтисодий, сиёсий матълумотлар асосида илмий хулосалар чиқарувчи, умумлаштирувчи, илмий прогностлаштирувчи фанга айланди. У айни пайтда табиий, ҳўжалик ва аҳолининг худудий мажмуалари ҳамда географик мажмуаларни ҳар томонлама тадқиқ этувчи фанга айланмоғи керак. Географик тадқиқотларнинг асосий

усулов йўналдишлари – табиат ва жамият уйғунлиги талабларига жавоб бера олинган конструктив, башоратбон ва барқарор ривожланишга хизмат қиладиган ғоя ҳамда тақлифлар мажмуасидан иборатдир. Демак, ўтган тарихий босқичлар мобайнида География фани мазмунан чуқурлашиб, шаклан теранлашиб, моҳиятан кенгайиб борди. Лекин Географиянинг назарий ва амалий асослари шўролар даври географик адабиётларида ўзининг тўлақонли аксини топмади. Ушша даврнинг парокандага учраши ва Марказий Осиё давлатларини мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олганлиги ҳам мустабид шўролар даврида географиянинг ўрганилишида аналъавий тус олган, бироқ илмийликда давр тақозоси билан эскириб қолган илмий тасаввур, ғоя, назария ва таълимий ёндашувларни зудлик билан қайта кўриб чиқиш, «Евроцентрик» ёндашувга барҳам бериш, табиатни жамиятдан усгүворлик тамойилларини эътироф этишни тақозо этмоқда.

Мустақиллик туфайлигина юртимизда илк бор ўзбек географ олимларига ва айниқса, иқтидорли ёшларга География ва Геоэкология назарияси ҳамда тарихи билан шўғулланиш имконияти яратилди. Шу давргача географик, жумладан, табиий географик илм-фани ва таълимдаги кундалик амалий фаолият давомидати юзага келатган назарий муаммолар фақатгина оғзаки мунозара предмети сифатида қаралди, ҳолос.

Ҳозирги кунга келиб «ғарб» ва «шарқ» географик концепциялардаги қарама-қаршиликларнинг барҳам топиши География, жумладан Табиий география ва Геоэкология фанларининг назарий асосларига яна бир бор қайтадан, умумгеографик нуқтани назардан ёндашув таҳлилини талаб этмоқда.

¹ Қурбанов И. Илму фан маънаси таъриқини хизмат қилсин / Ўзбекистон Республикасини Фанлар академияси умумий йиғилишида 1994 йил 7 июлда сўзлагани нутқидан // Ёшлар овози ва обод Ўзбекистон. 2 ж.-т.: «Ўзбекистон», 1996. 240-б.